

## **ТАЛАБАЛАР ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ**

**Якубова Барно**

*Андижон машинасозлик институти  
“Гуманитар фанлар”  
кафедраси ассистенти*

**Аннотация:** Ушбу мақолада таълимда юқори сифатга эришишда, малакали кадрлар тайёрлашда ўқитувчи омили, унинг билим даражаси, касбий маҳорати энг муҳим омиллардан бири эканлиги хар томонлама замон талабига жавоб берувчи ўқитувчиларни замонавий ўқитиш технологияларидан бохабар қилиш ва улардан самарали фойдаланишни таъминловчи кўникма ва малакаларни шакллантиришни хақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** таълим, тараққиёт, метод, технология, технологик жараён, педагогик технология, ўқитиш технологияси, педагогик жараён.

Сўнги йилларда жамиятда бўлаётган ижтимоий ўзгаришлар, замон талабига жавоб бера оладиган етук кадрлар тайёрлаш масаласини жамиятимизнинг келгуси тараққиётига таъсир қилувчи энг муҳим омиллардан бири сифатида талқин қилинаётганлиги таълим жараёнида ҳам жиддий ўзгаришларни амалга оширишни талаб этмоқда. Ваҳоланки, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохатларнинг мақсади инсон камолотига, фаровонлигига, унинг манфаатларига ва энг асосийси баркамол авлодни вояга етказишга қаратилгандир. [1.175]

Илмий-техникавий тараққиёт нафақат ишлаб чиқаришнинг кўп сонли тармоқларига, балки маданий соҳасига, ижтимоий-гуманитар билимлар доирасига ҳам янги технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда. Шу боисдан бугуни куннинг долзарб масалалардан бири педагогик технология ҳисобланади. [1.280]

Жаҳон ҳамжамияти билан интеграллаш жараёни таълимда ҳам хориждаги янги ўқитиш технологияларидан, бой тажрибадан фойдаланиш имкониятларини яратди. Бундан ташқари хозирги пайтда эришилаётган фан ва техника ютуқларидан, айниқса, тилшунослик, педагогика, дидактика, психология фанларидан эришилаётган ютуқлардан таълим жараёнининг самарадорлигини оширишда фойдаланиш тақозо этилмоқда.

Ҳозирги пайтда таълимдаги энг муҳим масалалардан яна бири ўқитиш мақсади, мазмуни, методлари, воситалари, ташкилий шакллари ва

ўқитиш жараёнида ўрганилаётган фан материали асосида тарбиявий мақсадни амалга ошириш ҳисобланади.

Маълумки, узлуксиз таълимдаги энг муҳим бўғинлардан бири олий таълим ҳисобланади, чунки олий таълим халқ хўжалигининг турли соҳалари учун хар тарафлама етук, билимдон ва малакали кадрлар тайёрлашдаги муҳим буғин ҳисобланади.

Таълимда юқори сифатга эришишда ва малакали кадрлар тайёрлашда ўқитувчи омили, унинг билим даражаси, касбий маҳорати энг муҳим омиллардан биридир. Олий таълимда кадрлар тайёрлашда икки муҳим нарсага эътибор қаратмоқ лозим.

1. Келажакдаги яъни бўлғуси мутахассиснинг касбий тайёргарлиги.
2. Унинг педагогик нуқтаи назардан тайёргарлиги.

Биринчиси учун ўқитиш мақсади, мазмуни, яъни нимани ўқитишни аниқлаш бўлса, иккинчиси учун ўқитиш методлари, яъни қандай ўқитиш йўллари билан боғлиқ муаммоларни хал қилиш муҳим. Бу эса ҳозирда таълимда кенг қўлланилаётган янги педагогик технологиялар, ўқитишдаги

Методик адабиётларда жуда хилма-хил технология сўзи билан боғлиқ атамаларни учратиш мумкин: педагогик технология, техник технология, таълим технологияси, янги технология, замонавий технология, гуманитар технология ва ҳақозо. [2.203]

Бу ҳақда сўз юритганда энг аввало технологиянинг уч турини алоҳида кўриб ўтиш зарур: техник технология, таълим технология, ўқитиш технологияси. Технология аслида таълим жараёнига ишлаб чиқаришдан кириб келган. Ишлаб чиқаришда “технологик жараён”, “технологик операция”, “технологик харита”, “технологик режим” атамалари кенг қўлланилади. Хусусан, технология ишлаб чиқариш жараёни, педагогик технология эса янги педагогик жараёндр.

Ҳозирда кенг қўлланилаётган педагогик технология эса аслида инглиз тилидаги “Educational technology” сўзидан олинган бўлиб у таълим технологияси демақдир. Педагогик технология шахсни шакллантирувчи, унинг сифат ва хусусиятларини ривожлантирувчи технологияни ва ўқитиш, ўргатиш билан боғлиқ технологияларни яъни дидактик технологияларни ўз ичига олган ҳолда қўлланилмоқда. Educational technologyнинг асосий белгиси лойиҳалаштириш, амалга ошириш, кафолатли натижа. Педагогик технологияларни қўллашда кафолатланган натижага эришиш мумкин, чунки талаба таълим марказида бўлишидир. Бу жараёнда умумпедагогик, хусусий методик ва модулли йўналишларда қўллаш мумкин. [2.256]

Аммо бизнингча талабаларга чет тилларини ўқитишда бу тушунчаларга кўшимча равишда дифференциал ёндашувдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб қараш тўғри бўлар эди. Педагогик технология кўпроқ тарбия билан боғлиқ тизимни, ўқитиш технологияси эса ўқув материални ўргатиш билан опрецияларни ўз ичига олади. Таълим тарбия жараёни яхлит бир бири билан боғлиқлик холда тушунилганлиги сабабли ҳам педагогик технологияга ўқув жараёнини технологиялаштиришнинг бутунлигини ифодаловчи тизим сифатида қаралмоқда.

Ўқитиш технологияси ҳам таълим технологиясининг узвий қисми бўлиб унда ўқитиш мақсади аниқроқ қўйилади, яъни у аниқ бир мавзуга оид мақсадни амалга ошириш учун белгиланган, маълум кетма кетликда бажариладиган дидактик ҳаракатлар орқали кўзланган ва белгиланган, натижага эришишнинг кафолатланганлигини таъминловчи жараёндир. У технологик харитада ўз ифодасини топади. [3.226]

Умуман олганда буни ўқув жараёнини лойиҳалашдаги тизимли ёндашув дейиш мумкин. Машхур дидактик олими Ян Амос Каменский ҳам ўз даврида соат механизмидек аниқ яшовчи ўқитиш жараёнини лойиҳалаштиришни орзу қилган. Чет тили ўқитишдаги замонавий ўқитиш технологияси жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳар томонлама замон талабига жавоб берувчи чет тили ўқитувчиларини замонавий ўқитиш технологияларидан бохабар қилиш ва улардан самарали фойдаланишни таъминловчи кўникма ва малакаларни шакллантиришни мақсад қилиб қўяди.

#### **Адабиётлар рўйхати**

1. Р.Ишмухамедов, М.Юлдашев. “Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар” таълим тизими ходимлари, методистлар, ўқитувчилар, тарбиячи ва мураббийлар учун ўқув қўлланма. – Тошкент, 2013.
2. К.Турғунбоев, М.Ортиқова. “Педагогик инновация асослари”. – Андижон: “Андижон нашриёт-матбаа”, 2011.
3. Слостенин В.А., Исаев И.Ф., Мищенко А.И., Шиянов Е.Н. Педагогика. Учебное пособие для студентов педагогических учебных заведений. – М.: Школа-Пресс, 2000. – С.226.